

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУҚМ

2025 йил февраль ойининг 6 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди, ўз биносида, ёпиқ суд мажлисида, Х.Халиковнинг раислигида, А.Шайзаковнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Абдуалиев, судланувчи И.Мўминов ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Т.Янгибаевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айб эълон қилинган:

19.11.1971 йилда Тошкент вилояти, Бекобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Боғишамол МФЙ, Қорадарахт кўчаси, 2-уйда яшайди, иш бўйича 07.10.2024 йилдан буён қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини 20.12.2024 йилда олган **Мўминов Исамиддин Салимович** (Mo`minov Isamiddin Salimovich)га

нисбатан 1-1102-2401/320-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Мўминов Исамиддин Салимович 2024 йил 6 октябрь куни соат 12:00да, фуқаро Турабаев Боҳадир Тажибаевичга тегишли “Lacetti” русумли давлат рақам белгиси 10K919SA бўлган автомашинани бошқариб, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» нинг 2-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгилангани”, 3-бандидаги “йўл ҳаракати қатнашчилари юқоридаги Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга сўзсиз амал қилишлари шарт”лиги, 4-бандидаги “йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари керак”лиги, 11-банди г-қисмидаги “транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак”лиги, 53-бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак”лиги, 77-банди 3-қисмидаги “ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсикни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги, 73-



бандидаги “ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўкнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак”лиги, 78-бандидаги “вилоятлар ва туманларнинг марказларида, шунингдек шаҳарлар ҳудудларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 60 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилиши”, 82-бандидаги “қувиб ўтишни бошлашдан олдин ҳайдовчи чапга бурилишни билдирувчи ишорасини ёқиб, ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш эканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаракатланишга хавф туғдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига, олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси қувиб ўтиш, чапга бурилиш (қайта тизилиш) ишорасини бермаётганлигига ишонч ҳосил қилиши шарт”лиги, 86-бандидаги “йўлнинг кўриниши чекланган жойларида қувиб ўтиш тақиқланиши” ҳақидаги талабларини қўпо равишда бузиб, жиноий ўзига ишониш оқибатида, транспорт воситасини рухсат этилган тезликдан юқори бўлган 70-75 км/соат тезликда бошқариб, рухсат этилмаган жойдан автомобиль йўлининг қарама-қарши йўналишига хавф сифатида ҳаракатланиб чиқиб, Бекобод шаҳар Буюк ипак йўли кўчаси бўйлаб, Бекобод шаҳар дехқон бозори томонга қараб ҳаракатланиб, ушбу кўчада жойлашган тиббиёт техникуми биноси рўпарасида ўзининг йўналиши бўйича олдинда ҳаракатланиб кетаётган дастлабки тергов жараёнида аниқлашни имкони бўлмаган Нексия-3 автомашинаси тўхтаб, автомобил йўлининг қатнов қисмидан пиёдаларни ўтказиб юбораётган вақтда И.Мўминов автомашинасини тўхтатиш чорасини кўрмасдан, аксинча тўхтаб турган автомашинани қувиб ўтиш манёврени бажариш мақсадида қарама-қарши йўналишга чиқиб, йўлни кесиб ўтаётган 19.11.2020 йилда туғилган вояга етмаган **Шакиржанов Муҳаммадусуфхон Фаррух ўғли**, 06.08.2017 йилда туғилган вояга етмаган **Шакиржанова Шаҳинахон Фарруховна**, 14.03.1968 йилда туғилган **Арифходжаева Шаҳринисо Фазиловна**, 21.12.1988 йилда туғилган **Ачилова Зарофат Фахритдиновна** ва 16.06.2018 йилда туғилган вояга етмаган **Мирсидикова Шукронахон Мирвафо қизини** уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисасини содир этган.

Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида, автомобил йўл қатнов қисмини пиёда кесиб ўтаётган 19.11.2020 йилда туғилган вояга етмаган Шакиржанов Муҳаммадусуфхон Фаррух ўғли олган тан жароҳатлари натижасида ҳодиса содир бўлган жойда вафот этган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 25.10.2024 йилдаги 122-С сонли хулосаси кўра, марҳум вояга етмаган М.Шакиржановнинг танасида аниқланган бош мия ёпиқ жароҳати, калла асос ва гумбаз суякларини синиши, мия қаттиқ ва юмшоқ пардалар остига қон қуйилиши, бош мия қон қуйилиши, бош энса чап томон юқори қисмида йиртилган яра, бош тепа соҳасида, пешона соҳасида шилинмалар, чап лунж соҳасида қонталаш ўтмас қаттиқ жисм таъсирида етказилган бўлиб, оғирлик жаражаси бўйича **хаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати** сифатида баҳоланиши аниқланган.



Судга оид тиббий экспертизасининг 20.11.2024 йилги 1225-С сонли хулосасига кўра, пиёда З.Ф.Ачилова йўл-транспорт ҳодисаси натижасида **оғир тан жароҳати** олганлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 20.11.2024 йилги 1226-С сонли хулосасига кўра, пиёда вояга етмаган Ш.М.Мирсидикова йўл-транспорт ҳодисаси натижасида **оғир тан жароҳати** олганлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 20.11.2024 йилги 1227-С сонли хулосасига кўра, пиёда вояга етмаган Ш.Ф.Шакиржанова йўл-транспорт ҳодисаси натижасида **оғир тан жароҳати** олганлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 20.11.2024 йилги 1228-С сонли хулосасига кўра, пиёда Ш.Ф.Арифходжаева йўл-транспорт ҳодисаси натижасида **оғир тан жароҳати** олганлиги кўрсатилган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 05.11.2024 йилдаги 928-сонли хулосасига кўра, қарорда келтирилган йўл ҳодисаси шароитида, воқеа жойида **70-75 км/соат тезликда** ҳаракатланган Ласетти жентра автомобилнинг ходиса жойидан тезликларга мос равишда 166,0-177,9 метр масофа узокликда бўлганлигини, ушбу автомашина **ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан воқеани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлганлигини** ва Ласетти автомашинаси ҳайдовчиси амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг **77-банди 3-қисми талабларига зид бўлганлиги** аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **Мўминов Исамиддин Салимович** эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йил 6 октябрь куни соат тахминан 11:00ларда ўзини бошқарувида бўлган автомашинада Бекобод тумани Зафар шаҳарчасидан тўрт нафар йўловчиларни Бекобод шаҳар деҳқон бозорига олиб бориб қўйишлик учун олганлиги, улар билан Бекобод шаҳар томонга ҳаракатланганлиги, шу вақти уни бошқарувида бўлган автомашинанинг тормоз тизими ва техник ҳолати соз ҳолатда бўлганлиги, шу куни соат тахминан 11:40лар атрофида у Бекобод шаҳрига келиб, Бекобод шаҳар Буюк ипак йўли кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб кетаётиб, ушбу кўчада жойлашган “Тошкент вилояти тиббиёт техникуми” биноси олдида тахминан 70-75 км/соат тезликда ҳаракатланиб кетаётган вақтида ушбу кўчада жойлашган кўприкнинг устида уни йўналиши бўйича олдида ҳаракатланиб кетаётган оқ рангли Нексия-3 русумли автомашина тўхтаб турганлигини кўриб, ушбу автомашинанинг ортидан тўкнашиб кетмаслик учун ва ушбу автомашинани чап томондан қувиб ўтиш мақсадида бошқарувни чап томонга қарама-қарши йўналишга бурганлиги ва уни йўналишида турган 5 нафар пиёдаларни уриб юбориб дархол тўхтаганлиги, сўнг эса автомашинадан тушиб, ўша ердаги ёши тахминан 55 ёшда бўлган бир аёлни ва ёши тахминан 10 ёшлик бўлган бир қизчани ўзини автомашинасига ўтирғизганлиги ва қолган жароҳат олган пиёдаларни бошқа фуқаролар ўзларининг автомашиналарига ўтказишганликлари, шунда у дархол Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмасига олиб борганлиги ва шунда тиббиёт бирлашма ёпиқ бўлганлиги сабабли уларни Бекобод шаҳар “Металлург” номли шаҳар шифохонасига олиб борганлиги ва уларни ўша ерда қолдириб, тан жароҳати олган пиёдаларни бирортаси қолиб кетган деб ўйлаб яна йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга қайтиб борганлиги, шу вақти ходиса жойида тан



жароҳати олган шахслар қолмаганлигини кўрганлиги ва уларни Бекобод тумани Зафар шаҳарчасида жойлашган тиббиёт бирлашмасига олиб кетишганлиги билиб ўзи ҳам Бекобод тумани тиббиёт бирлашмасига борганлиги, борган вақтида вояга етмаган бир нафар М.Шакиржонов вафот этганлигини, қолганлар оғир тан жароҳати олганлигини билганлиги, ИИБ ходимлари келиб унга нисбатан тегишли тартибда хужжатларни расмийлаштиришганлиги, қилган ишдан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бошқа бу ҳолат такрорланмаслиги, қамоқда бўлган вақтида, барча қилган хатоларини тушуниб етганлиги, ҳаммадан қилган иши учун кечирим сўрашлиги, ҳозирги кунда жабрланувчилар ва жабрланувчиларнинг қонуний вакилига етказилган моддий зарарларни қоплаганлиги, уларнинг унга нисбатан даъволари йўқлиги, озодликка чиқганидан сўнг ҳам жабрланувчиларга кўлидан келганича ёрдам беришлиги, уни ягона тирикчилик манбаи ҳайдовчилик билан боғлиқ эканлиги, ўзи киракашлик билан шуғулланиб кун кўришлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилмасликни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган марҳум вояга етмаган жабрланувчи Шакиржанов Муҳаммадюсуфхон Фаррух ўғлининг қонуний вакили **Шакиржанов Фаррух Фахриддинович**, ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 6 октябрь куни бўлиб ўтган йўл транспорт ходисаси натижасида унинг ўғли марҳум Шакиржанов Муҳаммадюсуфхон Фаррух ўғли, қизи Шакиржанова Шаҳинахон Фарруховна, онаси Арифходжаева Шаҳринисо Фазиловна, синглиси Ачилова Зарофат Фаҳритдиновна ва жияни Мирсидикова Шукронахон Мирвафо қизилар оғир тан жароҳати олиб, Бекобод туманидаги марказий шифохонага мурожаат қилганликлари, ўғли Шакиржанов Муҳаммадюсуфхон олган оғир тан жароҳати бўйича воқеа жойида вафот этганлиги, қизи Ш.Шакиржанованинг соғлиғи ёмонлашиб ҳозирга қадар даъволаниб келаётганлиги, онаси Арифходжаева Шаҳринисонинг оёғи синганлиги сабабли суд мажлисига келаолмаганлиги, онасининг ҳам бугунги кунда аҳқоли яхши эканлиги ва онасининг судланувчи И.Мўминовга нисбатан даъво этирози йўқлиги, судланувчи қамоқда бўлган вақтида, унинг оила аъзолари унга қўлдан келганича моддий томондан ёрдам бериб келишганлиги, судланувчи томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарар қоплаб берилганлиги, ҳозирда судланувчи Мўминов Исамиддин Салимовичга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан судланувчини кечиришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган вояга етмаган жабрланувчи Шакиржанова Шаҳинахон Фарруховнанинг қонуний вакили **Шакиржанова Сарвиноз Бахтиёр қизи**, ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 6 октябрь куни бўлиб ўтган йўл транспорт ходисаси натижасида унинг ўғли марҳум Шакиржанов Муҳаммадюсуфхон Фаррух ўғли ва қизи Шакиржанова Шаҳинахон Фарруховна ва бошқа яқин оила аъзолари оғир тан жароҳати олиб, Бекобод туманидаги марказий шифохонага мурожаат қилганликлари, ўғли Шакиржанов Муҳаммадюсуфхон олган оғир тан жароҳати бўйича воқеа жойида вафот этганлиги, қизи Ш.Шакиржанованинг соғлиғи ёмонлашиб ҳозирга қадар даъволаниб келаётганлиги, ҳозирда қизининг аҳволи анча яхши



эканлиги, судланувчи қамоқда бўлган вақтида, унинг оила аъзолари уларга қўлдан келганича моддий томондан ёрдам бериб келишганлиги, судланувчи томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарар қоплаб берилганлиги, ҳозирда судланувчи Мўминов Исамиддин Салимовичга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан судланувчини кечиришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган вояга етмаган жабрланувчи Мирсидикова Шукронахон Мирвафо қизининг қонуний вакили **Ачилов Мирвафо Мирсидикович**, ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 6 октябрь куни бўлиб ўтган йўл транспорт ходисаси натижасида унинг вояга етмаган қизи Ш.Мирсидикова, З.Ачилова ва бошқа яқин оила аъзолари оғир тан жароҳати олишганлиги, турмуш ўртоғи бошидан жуда оғир кунларни ўтказганлиги, ҳозирда қизи ва турмуш ўртоғининг аҳволи яхши эканлиги, судланувчи қамоқда бўлган вақтида, унинг оила аъзолари уларга қўлдан келганича моддий томондан ёрдам бериб келишганлиги, судланувчи томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарар қоплаб берилганлиги, ҳозирда судланувчи Мўминов Исамиддин Салимовичга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан судланувчини кечиришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи **Ачилова Зарофат Фахритдиновна**, ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 6 октябрь куни соат тахминан 10:30ларда у, қизи Шукрона, онаси Ш.Арифходжаева, жиянлари Шаҳинахон ва Муҳаммадюсуфхонлар билан айланиб келишлик учун кўчага чиққанликлари, сўнг улар Бекобод шаҳар 81-даҳа худуди бўйлаб айланишганлари ва соат тахминан 11:00ларда 81-даҳа худудида жойлашган Хос-ёз канали ёқаси бўйлаб юришиб, Ўзбекистон маҳалласи томонга автомобил йўл қатнов қисми бўйича ўтишмоқчи бўлишганиклари, сўнг улар бир-бирларини қўларини ушлаб олишиб, автомобил йўл қатнов қисми бўйича ўтиб кетаётган вақтида уларни автомашина уриб юборганлиги, қолган воқеани эслай олмаслиги, ҳозирда у ва қизининг аҳволи яхши эканлиги, судланувчи қамоқда бўлган вақтида, унинг оила аъзолари уларга қўлдан келганича моддий томондан ёрдам бериб келишганлиги, судланувчи томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарар қоплаб берилганлиги, ҳозирда судланувчи Мўминов Исамиддин Салимовичга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан судланувчини кечиришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи **Арифходжаева Шахринисо Фазиловна**, ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 6 октябрь куни соат тахминан 10:30ларда у, қизи Зарофат, неваралари Шукрона, Шаҳинахон ва Муҳаммадюсуфхонлар билан айланиб келишлик учун кўчага чиққанликлари, сўнг улар Бекобод шаҳар 81-даҳа худуди бўйлаб айланишганлари ва соат тахминан 11:00ларда 81-даҳа худудида жойлашган Хос-ёз канали ёқаси бўйлаб юришиб, Ўзбекистон маҳалласи томонга автомобил йўл қатнов қисми бўйича ўтишмоқчи бўлишганиклари, сўнг улар бир-бирларини қўларини ушлаб олишиб, автомобил йўл қатнов қисми бўйича ўтиб кетаётган вақтида уларни автомашина уриб юборганлиги, қолган воқеани эслай олмаслиги, ҳозирда унинг аҳволи яхши эканлиги, судланувчи қамоқда бўлган вақтида, унинг оила аъзолари уларга қўлдан келганича моддий томондан ёрдам бериб келишганлиги, судланувчи томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарар қоплаб берилганлиги, ҳозирда судланувчи



Мўминов Исамиддин Салимовичга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан судланувчини кечиришни сўради.

Суд, давлат айбловчиси ва адвокатларнинг фикрларини, судланувчи, жабрланувчи, жабрланувчининг қонуний вакилининг берган кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи И.Мўминовнинг айби, ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи ва уларнинг қонуний вакилининг кўрсатувлари, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, судга оид тиббий экспертизаси хулосалари, судга оид транспорт-трасология экспертизасининг хулосаси, шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Мўминов Исамиддин Салимовичнинг транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши одам ўлимига сабаб бўлишида ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-моддасида, “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят Кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга қатъий қаратилганлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси



йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига тўртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 26.06.2015 йилдаги 10-сонли “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорига Жиноят кодексининг 261-моддаси, 266-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қушимча жазо қўлланилиши мажбурийлиги белгиланганлиги сабабли, суд, ЖК 57-моддасида белгиланган алоҳида ҳоллар (масалан, судланувчининг асосий касби ҳайдовчилик бўлиб, бошқа мутахассисликка эга эмаслиги) мавжуд бўлганда, ҳукмнинг тавсиф қисмида ўз қарорини асослаб берган ҳолда, қўшимча жазо чорасини қўлламаслиги мумкин тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи И.Мўминовга жазо тайинлашда унинг шахсини, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлиги, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакиллари даъвоси йўқлигини, етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, ягона касби ҳайдовчилик билан боғлиқ эканлигини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган ҳолда уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қонунларга риоя қилиш руҳида қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмаган ҳолда, модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги енгилроқ озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Мўминов Исамиддин Салимович (Mo`minov Isamiddin Salimovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан И.Мўминовни 124 кун қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегирилиб, ўташлик учун **3 йил 7 ой 26** кун муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

И.Мўминовнинг иш ва ўқиш вақтидан ташқари вақтда яшаш жойидан



чиқиши тақиқлансин.

Озодликни чеклаш жазоси И.Мўминовнинг яшаш жойи, яъни Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Боғишамол МФЙ, Қорадарахт кўчаси, 2-уйда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ даврида И.Мўминовнинг зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, спиртили ичимлик истеъмол қилмаслик каби қўшимча тақиқлар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Тошкент вилояти Бекобод туман ИИБнинг Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, маҳкум Бекобод туман ИИБнинг Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

И.Мўминовга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залидан озод қилинсин.

И.Мўминовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси б-қисмида назарда тутилган оқибатлар тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланган шахслар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи:

Х.Халиков

Аслига тўғри:

